

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

37-сон
(121)
2004 й.
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

406. «Экспорт назорати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 658–II-сон Қонуни
407. «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 26 августдаги 659–II-сон қарори
408. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги 671–II-сон Қонуни

Учинчи бўлим

409. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 сентябрдаги 426-сон қарори
411. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-

сида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сон қарори

Тўртинчи бўлим

412. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 15 сентябрдаги қарори

Бешинчи бўлим

413. «Сайёҳларга хизмат кўрсатилгани учун туристик фирма ва меҳмонхона хўжалиқларидан ундириладиган туристик йиғимлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг 2004 йил 29 августдаги 106, 19-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 13 сентябрда 1407-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
414. «1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукамал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2004 йил 20 августдаги 97, 258-В, 2004-53, 01-931-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 сентябрда 1408-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
415. «Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш ҳамда тарқатиш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 25 августдаги 286-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 сентябрда 1409-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
416. «Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 3 сентябрдаги 01/18-48-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 сентябрда 1410-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
417. «Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 августдаги 18/3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 сентябрда 630-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
418. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 августдаги 18/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 сентябрда 571-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

419. «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс этириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 98, 41, 2004-57, 257-В, 8-сонли қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 11 сентябрдан 17 сентябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

406 Экспорт назорати тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади экспорт назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари экспорт назоратини амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ялпи қирғин қуроли ва бошқа турдаги қурол-яроғларни тарқатмаслик соҳасидаги халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлашдан иборат.

2-модда. Экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Экспорт назорати

Экспорт назорати Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт назорати объектларини олиб чиқишнинг (бундан буён матнда экспорт назорати объектларини олиб чиқиш деб юритилади) экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъминланишига қаратилган барча чора-тадбирлардан иборат бўлади.

4-модда. Экспорт назорати объектлари

Ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуролини (ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва заҳарловчи қурол) ҳамда уни етказиб бериш воситаларини (ракеталар ва ялпи қирғин қуролини етказиб беришга қодир бошқа техника воситаларини), бошқа турдаги қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техникани яратишда муҳим ҳисса қўшиши мумкин бўлган, экспорт назорати объектлари рўйхатларида кўрсатилган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари экспорт назорати объектларидир.

Экспорт назорати объектларининг рўйхатлари белгиланган тартибда эълон қилиниши керак.

5-модда. Экспорт назоратини амалга оширишнинг асосий принциплари

Экспорт назоратини амалга оширишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлиги манфаатларининг устуворлиги;

Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларининг виждонан бажарилиши;

экспорт назорати масалаларига доир ахборотнинг ошкоралиги ва барча учун очиқлиги.

6-модда. Экспорт назоратини амалга ошириш усуллари

Экспорт назоратини амалга оширишнинг усуллари қуйидагилардан иборат:
экспорт назорати объектларини олиб чиқиш тартибини белгилаш;
экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат ўтказиш;
ички назорат ўтказиш;
экспорт назорати соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг экспорт назорати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
экспорт назорати соҳасида давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;
экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;
экспорт назорати объектлари рўйхатларини тасдиқлайди;
Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида экспорт назорати объектларининг олиб чиқилишига, шу жумладан айрим чет давлатларга олиб чиқилишига нисбатан чеклашлар ва тақиқлар жорий этади;
ички назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Экспорт назорати соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги экспорт назорати соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади).

Ваколатли орган:

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш учун белгиланган тартибда рухсатнома беради;
экспорт назорати соҳасида давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;
экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиш ишларини ташкил этади;
экспорт назоратини амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни ва бошқа ахборотни талаб қилиб олади;
чет давлатнинг экспорт назорати объектларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баён этилган мақсадларда фойдаланилишига тааллуқли ёзма мажбурият беради;
экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби

Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолларда, экспорт назорати объектларини олиб чиқиш экспорт назорати объектларини олувчи чет давлатнинг ва (ёки) чет давлат юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мазкур объектлардан ялпи қирғин қуролини ҳамда уни етказиб бериш воситаларини, бошқа турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техникани яратиш мақсадида фойдаланилмаслиги тўғрисида ёзма мажбурияти бўлган тақдирда амалга оширилади.

Ваколатли орган, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, экспорт назорати объектларини олиб чиқишга рухсатнома бераётганда қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

10-модда. Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат

Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат:

экспорт назорати объектларини олиб чиқишни амалга оширишда божхона назоратини;

олиб чиқиладиган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларининг экспорт назорати объектлари рўйхатларига киритилган экспорт назорати объектларига мувофиқлигини аниқлашни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолларда, олиб чиқиладиган экспорт назорати объектларидан ялпи қирғин қуролини ҳамда уни етказиб бериш воситаларини, бошқа турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техникани яратиш мақсадида фойдаланилмаслиги тўғрисида ёзма мажбурият олишни;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш мониторингини;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш ҳоллари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда бундай ахборотларни текширишни;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллашни ўз ичига олади.

11-модда. Ички назорат

Ички назорат экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя этишнинг юридик шахслар томонидан белгиланган барча чоратадбирларидан иборат бўлади.

Экспорт назорати объектларини олиб чиқувчи юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобиляти ҳамда хавфсизлигини сақлаш соҳасида давлат эҳтиёжларини таъминлаш бўйича илмий ва (ёки) ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат ўтказиш мажбурийдир.

12-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг экспорт назорати объектларини олиб чиқишдаги мажбуриятлари

Экспорт назорати объектларини олиб чиқувчи юридик ва жисмоний шахслар: экспорт назорати объектларини олиб чиқишга рухсатнома олиши;

экспорт назоратини амалга ошириш учун зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни ваколатли орган ҳамда бошқа давлат органларининг талабига биноан тақдим этиши;

агар экспорт назорати объектлари рўйхатларига киритилмаган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари олиб чиқиладиган бўлса, улардан ялпи қирғин қуролини ҳамда уни етказиб бериш воситаларини, бошқа турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техникани яратиш учун фойдаланиш эҳтимоли тўғрисида маълумотлар мавжудлигидан ваколатли органни хабардор қилиши шарт.

Экспорт назорати объектларини олиб чиқишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар экспорт назорати объектларини олиб чиқишга рухсатнома олиш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардирлар.

13-модда. Экспорт назорати соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Экспорт назорати соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

14-модда. Экспорт назоратини амалга ошириш учун тақдим этилган ахборотдан фойдаланиш

Экспорт назоратини амалга ошириш учун давлат органларига тақдим этилган ахборотдан фақат экспорт назорати мақсадида фойдаланилади.

15-модда. Низоларни ҳал қилиш

Экспорт назорати соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

16-модда. Экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 август,
658-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

407 «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

«Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин,

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминлашсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 август,
659-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

408 **Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 78-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда) **31-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«31-модда. Ногиронлар меҳнати қўлланиладиган корхоналар учун имтиёзлар

Ногиронлар меҳнати қўлланиладиган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар имтиёзли асосларда солиқ тўлаш, молиялаштирилиш ҳамда моддий-техника билан таъминланиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Ногиронлар меҳнати қўлланиладиган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларга имтиёзли асосларда солиқ солиш, уларни молиялаштириш ҳамда моддий-техника билан таъминлаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги тахрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда):

1) **10-моддаси иккинчи қисмининг ўнинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

2) **12-моддаси иккинчи қисмининг ўттинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисини тайинлайди»;

3) **20-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-модда. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимига биноан сайланади.

Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

III. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 325-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) **1-моддаси учинчи қисмининг** ўзбекча матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларнинг қиймати, киритилган улуш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида ифодаланади ҳамда тўланади, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса, чет эл валютасида (акциялар бўйича — мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) тўланади».

IV. «Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 132-модда):

1) **20-моддасининг бешинчи қисми** «қатнашиш ҳуқуқини» деган сўзлардан кейин «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка номзодни рўйхатга олишни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **22-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим»;

тўртинчи қисми тегишинча **бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

3) **23-моддасининг биринчи қисмидаги** «камида юз нафар» деган сўзлар «камида уч юз нафар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **23¹-моддаси** билан тўлдирилсин:

«23¹-модда. Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини сайлов комиссиялари томонидан текшириш

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги эса округ сайлов комиссияси томонидан текширилади.

Сайлов комиссиялари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзолар сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади».

V. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 9-10, 134-модда):

1) 22-моддаси:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим»;

олтинчи қисми тегишинча **еттинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) 22¹-моддаси қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи—ўн бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзолар сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка номзодни рўйхатга олишни рад этади».

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):

1) 59-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«59-модда. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш

Шахс Махсус қисмнинг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи

билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди.

Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъеридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят булса, ушбу Кодекснинг Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин. Бунда муайян ҳуқуқдан махрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазонинг узил-кесил тайинланган муддати ушбу Кодекснинг 45-моддасида назарда тутилган энг кўп муддатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади»;

2) **66¹-моддасининг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (таносил касаллигини тарқатиш), 115-моддасида (аёлни ўз хомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилиқ), 170-моддасининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки

ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда булиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди»;

3) 186¹-моддаси:

биринчи қисмининг диспозициясидаги «шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда содир этилган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмининг санкцияси «етти йилдан» деган сўзлардан олдин «энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) қўйидаги мазмундаги 251¹-модда билан тўлдирилсин:

«251¹-модда. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд жўнатиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш —

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларни бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-

номаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):

1) **76-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи—саккизинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Жиноят ишини биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини апелляция ёки кассация инстанциясида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини назорат тартибида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Суриштирувчининг, терговчининг, шунингдек суд мажлиси котибининг ўз процессуал мажбуриятини бажариши, башарти ушбу иш қўшимча тергов юритиш ёки судда янгидан кўриш учун юборилган бўлса, улар томонидан тегишлича суриштирув, дастлабки тергов юритишга, шунингдек суд мажлиси баённомасини тузишга монелик қилмайди»;

2) **342-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суриштирув жиноят ишини терговчига ўтказиш ёки уни ушбу Кодекснинг 584-моддасида назарда тутилган тартибда судга юбориш билан тамомланади.

Суриштирувчи қуйидаги ҳолларда суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан ишни дарҳол терговчига ўтказиши лозим, башарти:

1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;

2) муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;

3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;

4) терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса.

Суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради»;

3) **471-моддасининг 4-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) ҳукм устидан ушбу Кодекснинг тегишинча 497³, 497⁴, 499 ва 500-моддаларида назарда тутилган апелляция ва кассация шикоят бериш, протест билдириш тартиби, муддатлари»;

4) **498-моддаси биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «Ушбу Кодекснинг 511-моддасида кўрсатилган шахслар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда):

1) **186¹-моддаси** чиқариб ташлансин;

2) **245-моддасининг биринчи қисмидаги** «186¹-моддасида (акциз маркалари билан маркаланмаган товарларни реализация қилиш ҳолларидан ташқари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **264-моддасининг биринчи қисмидаги** «186¹-моддасида (акциз маркалари билан маркаланмаган товарлар реализация қилинган ҳолларда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **291-моддаси биринчи қисмининг «д» кичик бандидаги** «186¹» рақамлари чиқариб ташлансин.

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда):

1) **212-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларига мувофиқ» деган сўзлар «башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1143-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

X. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда):

1) **7-моддаси биринчи қисмининг 3-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи»;

2) **8-моддаси:**

еттинчи қисмидаги «инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар «ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисми «акциз солиғини» деган сўзлардан кейин «ва товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилганлик учун қўшилган қиймат солиғини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўққизинчи қисми чиқариб ташлансин;

ўнинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кончилик саноати тармоқларининг айрим корхоналари учун устама фойда солиғи тўланишини назарда тутадиган фойданинг бир қисмига солиқ солишнинг алоҳида тартиби жорий этилиши мумкин. Устама фойда солиғи тўловчилар, уни тўлаш тартиби ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда) **9-моддасининг иккинчи қисмидаги** «транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):

1) **104-моддаси** «ҳал қилув қарорлари устидан» деган сўзлардан кейин «апелляция» деган сўз билан тўлдирилсин;

2) **116-моддасининг учинчи қисми** «баён қилинган қоидалар» деган сўзлардан кейин «апелляция» деган сўз билан тўлдирилсин;

3) **224-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим.

Суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин»;

4) **226-моддасининг биринчи қисмидаги** «тарафларнинг» деган сўз «ишда иштирок этувчи шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **229-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли»;

6) **346-моддаси биринчи қисми 2-бандининг ўзбекча матнидаги** «илгариллашига» деган сўз «кейинги ҳаракатланишига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **348¹³-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишни кассация тартибида кўраётганида суд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини кассация шикоятни ёки протестининг вазлари ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин»;

8) **350-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши керак. Протест келтириш учун асос бўлмаса, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим».

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 95-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда):

1) **1-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис депутатлари сайловларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **3-моддасининг:**

биринчи қисмидаги «Олий Мажлис» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади»;

бешинчи қисмидаги «Олий Мажлисининг қарори бўйича» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **4-моддасининг:**

иккинчи қисмидаги «Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолигига номзод этиб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Олий Мажлис» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

4) **5-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради;

сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб

рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга биркитиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар беради;

сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига ҳамда референдум ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов ҳамда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, овоз бериш қутилариининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

сайловнинг ва референдумнинг якуини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенати аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлови ўтказилишини ташкил этади;

сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенатининг аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

сайловдан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини қонунда белгиланган тартибда чақиради;

сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенатининг аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жинорий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

сайловни ва референдумни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини таъминлайди;

Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини тасдиқлайди;

қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади»;

5) 6-моддаси биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек референдум якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ахборот беради;

тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг биринчи мажлисини очади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади;

ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади»;

6) 8-моддасининг ўзбекча матнидаги «баёни», «баён», «баёнга» деган сўзлар тегишинча «баённомаси», «баённома», «баённомага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **10** ва **11-моддаларидаги** «жамоат бирлашмалари» деган сўзлар «нодавлат нотижорат ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Телекоммуникациялар тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда) **8-моддасининг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг манзил маконидан ҳамда домен номидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди»;

ўн учинчи—ўн еттинчи хатбошилари тегишинча **ўн тўртинчи—ўн саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
671-II-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

409 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 11 сентябрь,
426-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 11 сентябрдаги 426-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Фан ва тараққиёт» Ўзбекистон республика илмий-технология комплексини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 15 январдаги 17-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида» 1995 йил 31 июлдаги 302-сон қарорининг 2—4-бандлари.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» 1998 йил 24 февралдаги 77-сон қарорининг 13—15-бандлари.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 294-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

411 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 16 сентябрь,
430-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 16 сентябрдаги 430-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 сентябрдаги 382-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 9-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисидаги низомнинг 2, 4—7-бандлари.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Табий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисобкитоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 57-модда) 8 ва 9-бандлари, шунингдек мазкур қарорга 4 ва 5-иловалар.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 8 сентябрдаги 347-сон қарори.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Дон ресурслари ва уннинг бозор фондидан янада оқилона ва тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 14 сентябрдаги 374-сон қарори.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 апрелдаги 118-сон қарорининг 6-банди.
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон

қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованинг 67-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2004 йил 8 январдаги 9-сон қарорига илованинг 1-банди, 2-банднинг «д», «и», «м» кичик бандлари.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 16 сентябрдаги 430-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика халқ хўжалигини ва аҳолисини газ билан таъминлашни ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 2 декабрдаги 587-сон қарорида:

- а) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) 3-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- в) 4-бандда:

биринчи хатбошида «корпорациялар, уюшмалар, концернлар» сўзлари «хўжалик бошқаруви органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидан «ва лимитларига» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) 5-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 6-банддан «истеъмолчиларни газ таъминоти тармоқларига бундан буён улашни тўхтатишни, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда кичик бизнес субъектлари (ипак қурти боқиш ва хусусий уйлар ҳовлисидаги иссиқхоналар ва овқат тайёрлаш учун) бундан мустасно» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисидаги низомнинг II бўлимида:

а) 1.1-бандда:

«а» кичик бандда «давлат хўжаликлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоа хўжаликларига» сўзлари «корхоналар ва ташкилотларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) нефть маҳсулотларини мақсадга номувофиқ ишлатиш, шунингдек уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалардан ортиқча сарфлаш сарфланган нефть маҳсулотларининг 2 баравар қийматини айбдор юридик шахслардан ундириб олишга сабаб бўлади»;

«г» кичик банддан «фондлардан, тақсимлаш режаларидан» сўзлари чиқариб ташлансин;

«з» кичик банд чиқариб ташлансин;

б) 1.2-бандда:

«а» кичик бандда «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясининг рухсатсиз ёқилғи ишлатиладиган қурилмаларга газ берилиши газ юборишга рухсат этган газ сотувчи ташкилотлардан» сўзлари «шартномалар тузмасдан газ етказиб бериш газ таъминоти ташкилотларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» ва «е» кичик бандлар чиқариб ташлансин;

«д» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«д) ёқилғи ишлатиладиган жихозлар (қурилмалар)да газнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалардан ортиқча беҳуда исроф қилиниши текшириш пайтидан олдинги 12 ойда нооқилона сарфланган газнинг 5 баравар қийматини ишлатувчилардан ундириб олишга сабаб бўлади»;

«ж» кичик бандда «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясининг газдан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатсиз ва лойиҳани рўйхатдан ўтказмай» сўзлари «лоийҳани «Ўздавнефтгазинспекция»да» рўйхатдан ўтказмасдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«з» кичик бандда «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясининг газдан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатсиз» сўзлари «ушбу ишларни бажаришга «Ўздавнефтгазинспекция»нинг рухсатсиз» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1.3-бандда:

«а» кичик банд чиқариб ташлансин;

«в» кичик бандда «тегишли рухсатларсиз» сўзлари «тегишли шартнома тузмасдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«и» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«и) электр ёритгичлардан корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек ҳудудлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалардан ортиқча, асоссиз, ишлаб чиқариш заруриятсиз фойдаланиш ёруғлик техникаси ускунасининг ўрнатилган қувватидан ва ускуналардан фойдаланиладиган соатларнинг йиллик сонидан келиб чиқиб белгиланган ушбу мақсадларда фойдаланиладиган электр энергияси қийматини 5 баравар миқдоридан улардан ундириб олишга олиб келади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланилишини назорат қилиш тартибида:

а) 20-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«белгиланган ва чекланган нархлар (тарифлар) ва устамаларни ошириш, биржа савдолари ва аукционлар натижасида шаклланган монополист корхоналар маҳсулотлари нархлари бундан мустасно»;

б) 22-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Монополист корхоналар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган монопол маҳсулотларнинг айрим турлари биржа савдолари ва аукционлар орқали, шунингдек биржа (аукцион) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилганда, уларга нисбатан декларация тўлдирилган чекланган нарх оширилганлиги учун жазолар қўлланилмайди».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 24 декабрдаги 561-сон қарорининг 6-банди биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларининг ишини такомиллаштириш ва республика истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 9-сон, 35-модда):

1-банд ва 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

4-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчалари учун нефть маҳсулотлари фақат

нефть маҳсулотлари етказиб берувчининг махсус автотранспортида етказиб берилиши ҳисобга олинган ҳолда автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари билан нефть базалари ўртасида тузилган шартнома асосида белгиланган тартибда берилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри уланувчи улгуржи истеъмолчиларга ва ҳудудий газ таъминоти корхоналарига — тўғридан-тўғри шартномалар бўйича;».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 2-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларида:

- а) 2.1-банднинг еттинчи ва саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) 3.2-банддан «ва сақловчи ташкилотлар» сўзлари чиқариб ташлансин.
- в) 3.3, 4.1, 4.2, 4.6, 4.9 ва 4.12-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- г) 3.4-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг олинган табиий газ учун қонун ҳужжатларида ҳисоб-китоб қилишнинг алоҳида тартиби белгиланган стратегик корхоналарига;»;

- д) 4.5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.5. Республика минтақалари бўйича газ етказиб беришнинг ойлик ҳажмлари истеъмолчиларнинг буюртманомалари ҳисобга олинган ҳолда газ-транспорт тизимининг ресурс ва техник имкониятларидан келиб чиқиб газ-транспорт ташкилоти томонидан белгиланади;»;

- е) 4.8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.8. Газнинг истеъмолчилар томонидан етказиб берувчи билан келишилмасдан шартномавий ҳажмлардан ортиқча олиниши қонун ҳужжатларида белгиланган ва шартномаларда кўрсатилган миқдорларда йўл қўйилган ортиқча газ сарфи учун етказиб берувчига оширилган ҳақ тўланишига олиб келади.

Навбатдаги ойга (йил чорагига) буюртма берилган табиий газ ҳажмларига доир шартномаларга истеъмолчининг таклифи бўйича мўлжалланаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин киритилган ўзгартиришлар ортиқча олиш ҳисобланмайди».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нарх (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларида назарда тутилган монополь маҳсулотларнинг айрим турлари табиий монополиялар субъектлари томонидан биржа савдолари ва аукционлар орқали, шунингдек биржа (аукцион) котировкаларининг ўртача нархларига кўра тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилганда, декларация тўлдирилган чекланган нарх ошириб юборилганлиги учун уларга нисбатан жазо қўлланилмайди».

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 мартдаги 90-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 3-сон, 16-модда):

- а) 7-банднинг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада «Ўзтрансгаз» АКнинг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқадиган улгуржи истеъмолчилар» устуни истеъмолчиларнинг аниқ рўйхати кўрсатилмаган ҳолда баён қилинсин;

в) 3-иловада:

1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-бандда «б» кичик банднинг учинчи ва тўртинчи хатбоши ҳамда «г» кичик банд чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 октябрдаги 421-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 94-модда):

а) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-иловада:

7-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«абонентларнинг газ тармоқларига табиий газни ҳисобга олиш приборларисиз уланишига йўл қўймаслик»;

19-банднинг иккинчи хатбошидан «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри уланган истеъмолчилар бундан мустасно» сўзлари чиқариб ташлансин;

20-банднинг олтинчи хатбошида «фойдаланиш ҳуқуқи юзасидан корхоналарга берилган рухсатномаларнинг» сўзлари «етказиб беришга корхоналар билан тузилган шартномаларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банднинг учинчи хатбошида «табиий газ белгиланган лимитлардан ортиқча сарфланганлиги» сўзлари «газнинг етказиб берувчи билан келишмасдан шартномавий хажмлардан ортиқча олинishi» сўзлари билан алмаштирилсин.

ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

412 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2004 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2004 йилнинг 26 декабрида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни қонун ҳужжатларига, умум эътироф этилган халқаро норма ва андозаларга тўла мувофиқ ҳолда самарали тайёрлаш ва ўтказишни таъминлаш, шунингдек сиёсий партиялар, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда уларга ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2004 йилнинг 20 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларнинг календарь режаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича битта сайлов округи учун сайловчилар нормаси ўртача 119,6 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов округлари тузилсин ҳамда уларнинг рўйхати округ чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда 2004 йилнинг 12 октябрга қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 17 октябрга қадар тузилсин.

5. Белгилансинки, сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов учун ягона ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари:

2004 йилнинг 27 октябрга қадар сайлов участкаларини;

2004 йилнинг 16 ноябрга қадар участка сайлов комиссияларини тузадилар.

6. Белгилансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига 2004 йилнинг 17 октябрга қадар тақдим этишлари лозим:

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2004 йилнинг 20 октябрдан бошланади ва 2004 йилнинг 10 ноябрида тугалланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш 2004 йилнинг 13 ноябрида тўхтатилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш 2004 йилнинг 20 ноябрида тугалланади;

манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссияларига 2004 йилнинг 11 декабрга қадар маълум қилишлари лозим.

7. Белгилансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ участка сайлов комиссиялари:

сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2004 йилнинг 11 декабрга қадар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса 2004 йилнинг 19 декабрга қадар тақдим қиладилар;

сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларнинг ўз вақтида хабардор этилишини таъминлайдилар;

2004 йилнинг 16 декабрга қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этадилар.

8 «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ:

сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланиши ва 2004 йилнинг 25 декабрида тугалланиши;

овоз бериш 2004 йилнинг 26 декабрь куни соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилиши қайд этилсин.

9. Белгилансинки, участка сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 26 декабрь куни овоз бериш тугагач овоз бериш яқунларини аниқлашга киришади, участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилиши натижалари бўйича баённома тузади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва баённомани Марказий сайлов комиссиясига 2004 йилнинг 31 декабрга қадар белгиланган тартибда тақдим этади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов яқунлари тўғрисидаги хабар ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати матбуотда 2005 йилнинг 5 январига қадар эълон қилинсин.

11. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари янги сайланган депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2005 йилнинг 26 январидан кечиктирилмасдан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

12. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
Раиси Б. МУСТАФОЕВ

Ташкент ш.,
2004 йил 15 сентябрь

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ
ҚАРОРИ

413 Сайёҳларга хизмат кўрсатилгани учун туристик фирма ва меҳмонхона хўжаликларидан ундириладиган туристик йиғимлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
13 сентябрда 1407-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 23 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 360-сон қарорининг 6-бандини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 30-сон, 346-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси **қарор қилади:**

1. Сайёҳларга хизмат кўрсатилгани учун туристик фирма ва меҳмонхона хўжаликларидан ундириладиган туристик йиғимлар тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 август,
106-сон

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. ХУСАНБОЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 август,
19-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

414 1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукамал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
14 сентябрда 1408-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 24 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3038-сонли Фармонининг 3-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 74-сонли қарорининг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзкоммунхизмат» агентлиги **қарор қилади:**

1. Илова* қилинаётган 1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукамал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 август,
97-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖАНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 август,
258-В-сон

Давлат Солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 август,
2004-53-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги Бош директори У. ХОЛМУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 август,
01-931-сон

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

415 Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радио эшиттириш дастурларини узатиш ҳамда тарқатиш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
15 сентябрда 1409-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 25 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, радиоэшиттириш ва телевидение дастурларини узатиш, тарқатиш, ташкил қилиш ва шакллантириш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида, **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш ҳамда тарқатиш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан 10 кун муддат ўтгандан кейин кучга кириши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ҳамда радиоэшиттириш ва телевидение дастурларини тарқатиш, узатиш, ташкил қилиш ва шакллантириш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларида ушбу Низом қоидаларига қатъий риоя қилишлари белгилаб қўйилсин.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 25 август,
286-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ
ҚАРОРИ

416 Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бош-
қарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидала-
рини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 сентябрда 1410-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли, 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли, 2004 йил 25 июндаги 295-сонли қарорларига мувофиқ, шунингдек хўжалик жамиятларининг ишончли бошқарувга бериладиган давлат улушларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси **қарор килади:**

1. Давлат акциялар пакет (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг:

2001 йил 17 майдаги 01/06-4-сонли «Акциялар (пайлар)нинг давлат пакетларини ишончли бошқарувга топшириш бўйича танловларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2001 йил 25 май, рўйхат рақами 1034);

2002 йил 26 апрелдаги ИУ-01/45-сонли «Акциялар (пайлар)нинг давлат пакетларини ишончли бошқарувга топшириш бўйича танловларни ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2002 йил 26 апрель, рўйхат рақами 1034-1);

2003 йил 20 майдаги 01/06-01-2-сонли «Акциялар (пайлар)нинг давлат пакетларини ишончли бошқарувга топшириш бўйича танловларни ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2003 йил 20 май, рўйхат рақами 1034-2) қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 3 сентябрь,
01/18-48-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**417** Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 сентябрда 630-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 89-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда бекор қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 630) киритилган ўзгартиришлар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 август,
18/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**418** Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 сентябрда 571-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 26 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 декабрдаги 547-сонли «2004 йил макроиктисодий кўрсаткичларининг асосий параметрлари ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисида» низомнинг (1998 йил 19 декабрь, рўйхат рақами 571) 3.2 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк бошқа банкларнинг устав капиталида (шуъба ва чет эл капитали иштирокидаги банкларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно), шунингдек, банк устав капиталининг ўн ёки ундан ортиқ фоизига эга бўлган юридик шахснинг устав фондида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Банк тўғридан-тўғри ёки билвосита (шуъба корхоналар орқали) юридик шахс устав фондининг 26 фоизидан ортиқ қисмига эгалик қила олмайди, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) банкларнинг суғурта ва лизинг ташкилотлари устав фондидаги иштироки;
- б) банкларнинг нобанк кредит ташкилотлари устав фондида, шунингдек, молиявий бозорлар инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар устав фондидаги иштироки;
- в) банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият юритадиган ташкилотлар устав капиталидаги иштироки.

Банк томонидан юридик шахс устав фондининг 26 фоизидан ортиқ қисмини сотиб олишда ёки банкнинг бевосита ёхуд билвосита мазкур юридик шахснинг фаолиятига таъсир кўрсатиш имконини берувчи шартнома тузилганда, банк Марказий банкка ёзма хабар беришга мажбурдир».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 август,
18/4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

419 Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
17 сентябрда 1411-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 27 сентябрдан кучга киради)

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 20-сон) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (янги тахрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2. Қуйидагилар кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

2001 йил 7 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 119-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2001-111-сонли, Макроиқтисодиёт ва сатистика вазирлигининг 34-сонли, Марказий банкнинг 205-В-сонли «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2001 йил 16 ноябрь, рўйхат рақами 1085 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 22-сон);

2002 йил 14 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 34-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2002-26-сонли, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг 1-сонли, Марказий банкнинг 205-В-1-сонли «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (2002 йил 5 март, рўйхат рақами 1085-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон);

2003 йил 15 майдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 65-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2003-52-сонли, Иқтисодиёт вазирлигининг 5-сонли, Марказий банкнинг 205-В-2-сонли, Давлат статистика қўмитасининг 3-сонли «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (2003 йил 7 июнь, рўйхат рақами 1085-2, — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси» 2003 й., 11-сон).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 сентябрь,
98-сон

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 сентябрь,
41-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 сентябрь,
2004-57-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 сентябрь,
257-В-сон

Давлат статистика қўмитаси раиси Г. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 сентябрь,
8-сон

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,
Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки,
Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил
2 сентябрдаги 98, 41, 2004-57, 257-В, 8-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия
ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрирда)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2001 й., 20-сон, 142-модда) мувофиқ ишлаб чиқилган ва чет

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартибини белгилайди.

1 §. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкчилик шаклидан, фаолият туридан, идоравий бўйсунувидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операцияларини амалга оширувчи барча бирлашмалар, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар (кейинги ўринларда — хўжалик юритувчи субъектлар) учун тааллуқлидир (банклар ва кредит уюшмалари бундан мустасно).

2. Мазкур Низомда қуйидагилар кўрилмади:

а) таъсис ҳужжатлари ва бошқаларда қайта ҳисоблаш талаб қилинган ҳолларда, сўмда тузилган молиявий ҳисобот кўрсаткичларини чет эл валютасига қайта ҳисоблаш;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган хўжалик юритувчи субъект томонидан сўмда молиявий ҳисоботларни тузиш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритишда фойдаланиладиган чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг қийматини миллий валютага қайта ҳисоблаш;

в) бош жамият томонидан тузиладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритиш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган шуъба (қарам) хўжалик жамиятлари, мустақил балансга ажратилган таркибий бўлинмаларнинг чет эл валютасида ифодаланган молиявий ҳисоботларини қайта ҳисоблаш.

3. Ўзбекистон Республикасида барча хўжалик юритувчи субъектлар миллий валютада — сўмда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиши шарт, агарда қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса.

4. Хўжалик юритувчи субъект томонидан қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи битимлар чет эл валютасидаги операциялар ҳисобланади:

а) мол-мулкни (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралари ва бошқа активларни) чет эл валютасига сотиб олиш ёки сотиш;

б) чет эл валютасига ишлар, хизматлар кўрсатиш ва улардан фойдаланиш;

в) тўлаш ёки олиш суммаси чет эл валютасида белгиланган кредитлар ва қарзларни олиш ёки бериш;

г) чет эл валютасидаги мажбуриятларни ўзига қабул қилиш ёки мажбуриятларни қоплаш.

5. Чет эл валютасида ифодаланган хўжалик операциялари, активлар ва мажбуриятларни (устав капиталини шакллантириш бўйича мажбуриятлардан ташқари) сўмга қайта ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган чет эл валютасининг сўмга нисбатан курсининг (кейинги ўринларда — Марказий банк курси) ўзгаришига қараб ижобий ёки салбий курс фарқи юзага келади.

§ 2. Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш тартиби

6. Чет эл валютасидаги операциялар, шу жумладан қуйидагилар бўйича операциялар, бухгалтерия ҳисобида улар амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўм эквивалентида акс эттирилади:

а) кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда ҳисобрақамларидаги, аккредитивлардаги валюта маблағлари, валютадаги ссуда қарзлари;

б) чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва қарзлар;

в) тузилган шартномалар бўйича четдан келтирилган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни божхона юк декларациясини расмийлаштириш санасида кирим қилиш;

г) чет эл валютасида божхона тўловларини амалга ошириш;

д) чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатлари;

е) чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар.

7. Бухгалтерия ҳисобини юритиш мақсадида чет эл валютасидаги айрим операцияларни сўмга қайта ҳисоблаш санаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БХМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» нинг (2004 йил 21 май, рўйхат рақами 1364, — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 246- модда) иловасида келтирилган.

8. Чет эл валютасидаги операциялар ушбу валютанинг сўмга нисбатан Марказий банкнинг операция амалга оширилган санасидаги курси бўйича сўмда қайта ҳисобланиши лозим.

9. Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш Марказий банкнинг валютани харид қилиш ёки сотиш кунига бўлган курси бўйича акс эттирилади.

Чет эл валютасини Марказий банк курсидан паст ёки юқори қийматда сотиш (харид қилиш) натижасида вужудга келадиган курс фарқлари ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига молиявий фаолиятдан даромадлар (харажатлар) сифатида олиб борилади.

10. Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасини сотиш қўйидаги тартибда акс эттирилади:

а) чет эл валютасини Марказий банк курси бўйича валюта счётидан ўтказилиши (қўчирилиши):

дебет банкдаги махсус сётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи сётлар (5500);

кредит чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи сётлар (5200);

б) чет эл валютасини Марказий банк курсидан юқори баҳода сотилганда сотилган чет эл валютасининг сўмдаги эквивалентини ҳисоб-китоб сётига кирим қилиниши:

дебет ҳисоб-китоб сётисидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи сётлар (5100) — сотилган чет эл валютасининг сотиш кунисидаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматиға;

кредит банкдаги махсус сётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи сётлар (5500) — сотилган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматиға;

кредит 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» сётиси — сотилган чет эл валютасининг сотиш кунисидаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати билан сотилган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати ўртасидаги фарқ суммасиға;

в) чет эл валютасини Марказий банк курсидан паст баҳода сотилганда сотилган чет эл валютасининг сўмдаги эквивалентини ҳисоб-китоб сётисиға кирим қилиниши:

дебет ҳисоб-китоб сётисидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи сётлар (5100)

— сотилган чет эл валютасининг сотиш кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматиغا;

дебет 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счёти — сотилган чет эл валютасининг сотиш кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати билан сотилган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

кредит банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500) — сотилган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматиغا.

11. Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасини сотиб олиш қўйидаги тартибда акс эттирилади:

а) чет эл валютасини сотиб олиш учун харид кунига бўлган валюта бозоридаги битим курси бўйича ҳисоб-китоб счётидан сўм маблағларини ўтказиш (кўчириш):

дебет банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500);

кредит ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100);

б) чет эл валютасини Марказий банк курсидан юқори баҳода харид қилинганда:

дебет чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5200) — харид қилинган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматиغا;

дебет 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счёти — харид қилинган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати билан харид қилинган чет эл валютасининг харид кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

кредит банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500) — харид қилинган чет эл валютасининг харид кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматиغا;

в) чет эл валютасини Марказий банк курсидан паст баҳода харид қилинганда:

дебет чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5200) — харид қилинган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматиغا;

кредит банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500) — харид қилинган чет эл валютасининг харид кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматиغا;

кредит 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счёти — харид қилинган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати билан харид қилинган чет эл валютасининг харид кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

12. Бухгалтерия ҳисобида консигнантга бўлган чет эл валютасидаги кредиторлик қарзи консигнацияга олинган товарларни сотиш санасидаги Марказий банкнинг курси бўйича вужудга келади. Қарзнинг кейинги ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

13. Маҳсулот (иш, хизмат) ларга чет эл валютаси эквивалентида баҳо (тариф) белгилайдиган, тўловларни эса, миллий валюта — сўмда оладиган хўжалик юритувчи субъектлар, маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотиш санасидан тўлов келиб тушган (амалга оширилган) санасигача бўлган даврда Марказий банк курсининг ўзгариши сабабли вужудга келган ижобий курс фарқини 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счётига, салбий курс фарқини эса 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётига олиб боради.

§ 3. Четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг харид қийматини шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби

14. Четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг (консигнация шартномаси бўйича четдан келтирилган товарлар бундан мустасно) харид қиймати (кейинги ўринларда — харид қиймати) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C = Шқ + T + Бх., \text{ бу ерда}$$

C — четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг харид қиймати;

Шқ — Божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банк курси бўйича ҳисобланган четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг шартнома қиймати;

T — божхона тўловлари

ҚҚС ни тўловчи корхоналар четдан келтирилган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшмайди, балки умумий белгиланган тартибда бюджетга тўлаши лозим бўлган ҚҚС ни аниқлашда чегириб боради.

ҚҚС ни тўловчи бўлмаган корхоналар четдан келтирилган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшади.

Ўзининг эҳтиёжлари учун четдан келтирилган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобда бошланғич қиймати бўйича ҚҚС суммасини қўшган ҳолда акс эттирилади.

Бх — четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар. Ушбу харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 2-сон, 9-модда) «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 1.1.12 бандига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 27 августда 44-сон билан тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС 4-сон) «Товар-моддий захиралари» га (1998 йил 28 август, рўйхат рақами 486 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси) 1999 й., 5-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС 5-сон) «Асосий воситалар» га (2004 йил 20 январь, рўйхат рақами 1299 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 35-модда) мувофиқ шаклланади.

15. Четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларни (консигнация шартномаси бўйича четдан келтирилган товарлар бундан мустасно) харид қилиш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

а) товар-моддий қийматликлар ва асосий воситалар объектларини юк божхона декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банк курси бўйича кирим (қабул) қилиш:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700), материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), товарларни ҳисобга олувчи счётлар (2900);

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти — қарзларнинг жорий қисми ёки 7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти — қарзларнинг узоқ муддатли қисми;

б) божхона тўловлари (импорт учун ҚҚС дан ташқари) ва четдан келтиришда вужудга келадиган ва белгиланган тартибда харид қилиш қийматига қўшиладиган бошқа харажатлар:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700), материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), товарларни ҳисобга олувчи счётлар (2900);

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) ҚҚС ни тўловчи корхоналар учун чегиришга олиб борилган ҚҚС суммасига:

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

г) ҚҚС ни тўламайдиган корхоналар учун харид қийматига қўшилган ҚҚС суммасига:

дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000) ёки товарларни ҳисобга олувчи счётлар (2900);

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

д) асосий воситалар ва номоддий активларнинг бошланғич қийматига қўшиладиган ҚҚС суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700);

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти.

16. Консигнация шартномасига асосан четдан келтирилган товарлар бўйича операциялар хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) консигнация шартномаси бўйича четдан келтирилган товарлар консигнаторнинг бухгалтерия ҳисобида баланسدан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счётининг дебети бўйича акс эттирилади;

б) четдан келтирилган консигнация товарлари бўйича божхона тўловлари, ҚҚС қўшилган ҳолда ҳисобланганда:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

в) четдан келтирилган консигнация товарлари бўйича ҚҚС ва божхона тўловлари бўйича қарзлар тўланганда (қопланганда):

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

г) консигнация товарлари сотилганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти — шартнома баҳоси бўйича сотилган товарлар суммасига ҳисобланган ҚҚС (ҚҚС ни тўловчилар учун) қўшилган ҳолда;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти-комиссия мукофотлари (рағбатлантириш) суммасига;

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) — товар инвойси ва БЮД бўйича сотиш санасидаги Марказий банк курси бўйича консигнация товари қийматига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — комиссия мукофотидан келиб чиқиб аниқланадиган ҚҚС суммасига (ҚҚС ни тўловчилари учун).

Бир вақтнинг ўзида, сотилган консигнация товарлари қийматини ҳисобдан чиқариш баланسدан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счётининг кредити бўйича акс эттирилади.

д) сотилган консигнация товарларининг улушига тўғри келадиган четдан келтирилган консигнация товарлари бўйича ҚҚС қўшилган ҳолда божхона тўловлари бўйича харажатларни ушбу товарларни сотиш пайтида молиявий натижаларга олиб бориб ҳисобдан чиқариш:

дебет давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400);

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.

Консигнация шартномаси бўйича олинган товарлар консигнантга қайтарилган ҳолларда, 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётида акс эттирилган божхона тўловлари ва ҚҚС бўйича консигнатор харажатларининг қайтарилган товарлар улушига тўғри келадиган қисми консигнаторларнинг молиявий натижаларига (давр харажатларига) олиб бориб ҳисобдан чиқарилади;

е) харидорлар ва буюртмачилардан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

ж) бюджетга ҚҚС бўйича (ҚҚС ни тўловчилар учун) қарзлар тўланганда (қопланганда):

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

з) консигнаторга қарзлар тўланганда (қопланганда):

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

§ 4. Курс фарқлари ҳисоби

17. Хўжалик юритувчи субъектлар балансининг валюта моддаларини ҳар ойи ҳисобот ойининг охириги санаси ва хўжалик операцияларни амалга ошириш санасида Марказий банк курси бўйича қайта баҳолашни амалга оширади.

18. Мазкур Низомда қайта баҳолаш ва курс фарқларини аниқлаш мақсадида балансининг валюта моддаларига қуйидагилар киради:

а) кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;

б) чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари;

в) чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар;

г) чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, кредитлар ва пул қарзлар.

19. Қуйидагилар қайта баҳоланмайди:

а) чет эл валютасига сотиб олинган хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган асбоб-усқуналари, капитал қўйилмалари, товар-моддий қийматликлари;

б) устав капитали миқдори ва хўжалик юритувчи субъектнинг, шунингдек чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналарнинг таъсисчилари (қатнашчилари) улушларининг нисбатлари.

20. Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган курс фарқлари тўғри олиб бориш усули қўлланилганда молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқарилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги счётларда акс эттирилади:

а) ижобий курс фарқи — 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счётининг кредити бўйича;

б) салбий курс фарқи — 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётининг дебети бўйича.

21. Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган курс фарқлари жамғариш усули қўлланилганда улар вужудга келган вақтда молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб борилмайди ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги счётларда акс эттирилади:

а) ижобий курс фарқи — 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётининг кредити бўйича — уларнинг жорий қисми ва (ёки) 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счётининг кредити бўйича — уларнинг узоқ муддатли қисми;

б) салбий курс фарқи — 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётининг дебети бўйича — уларнинг жорий қисми ва (ёки) 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётининг дебети бўйича — уларнинг узоқ муддатли қисми.

22. Жамғариш усулини қўллаш натижасида жамғарилган курс фарқлари молиявий-хўжалик фаолият натижаларига қуйидаги тартибда олиб борилади:

а) чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича — уларнинг тўланиши (ёки ҳисобдан чиқарилиши) бўйича;

б) бошқа ҳолларда — баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операциялари амалга оширилиши бўйича.

23. Курс фарқларидан вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар ва харажатларнинг жорий қисмини ўтказиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижобий курс фарқи бўйича вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

б) салбий курс фарқи бўйича вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти;

кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти;

24. Жамғарилган курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларига мазкур Низомнинг 22 бандида кўрсатилган тартибда олиб бориш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижобий курс фарқи:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

кредит 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счёти;

б) салбий курс фарқи:

дебет 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счёти;

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.

25. Курс фарқларини бухгалтерия ҳисобида юритишни соддалаштириш мақсадида кечиктирилган даромадлар ва харажатлар счётларида мос равишда акс эттирилган ижобий ва салбий курс фарқларини ҳисобдан чиқаришни ҳисобот ойининг охиридаги чет эл валютасининг бир бирлигига тўғри келадиган курс фарқининг ўртача

миқдори бўйича амалга оширишга рухсат этилади (курс фарқини ўртача миқдори бўйича ҳисобдан чиқаришнинг шартли мисоли мазкур Низомнинг иловасида келтирилган).

26. Курс фарқларини олиб боришда қўлланилаётган усуллар хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатини календар йил давомида ўзгартирмаслиги лозим, бундан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БХМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» (1998 йил 14 август, рўйхат рақами 474 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 5-сон)нинг 56-бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

27. Курс фарқларини олиб боришнинг жамлаш усулидан тўғри олиб бориш усулига ўтишда баланснинг валюта моддаларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида олдин тўпланган курс фарқлари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисоб сиёсати қабул қилинган календар йилининг охиригача ҳар ойда (бир меъёрда) ҳисобдан чиқариб борилади.

28. Устав капитали миқдори чет эл валютасида ўрнатилган ҳолларда ҳар бир таъсисчи томонидан улушларнинг киритилиши Марказий банкнинг улушни киритиш санасидаги курси бўйича амалга оширилади.

29. Устав капитали миқдори чет эл валютасида ўрнатилган ҳолларда ва устав капиталига улушлар киритиш миллий валюта — сўмда ёки бошқа мулк шаклида амалга оширилганда ҳам, қайта ҳисоблаш Марказий банкнинг улушларни киритиш санасидаги курси бўйича амалга оширилади.

30. Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасидаги ва ҳақиқатда устав капиталига улушларни киритиш санасидаги Марказий банк курслари ўртасида вужудга келадиган ижобий курс фарқи бухгалтерия ҳисобида қўшилган капитал сифатида 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётида акс эттирилади.

31. Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасидаги ва ҳақиқатда устав капиталига улушларни киритиш санасидаги Марказий банк курслари ўртасида вужудга келадиган салбий курс фарқи бухгалтерия ҳисобида 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётининг дебетида устав капиталини шаклланишида вужудга келган олдинги ижобий курс фарқи суммаси чегарасида акс эттирилади. Устав капиталини шакллантиришдаги салбий курс фарқи суммасининг ижобий курс фарқи суммасидан ошган қисми молиявий фаолият бўйича харажатларга олиб борилади.

32. Чет эл валютасида акс эттирилган устав капитали оширилганда (камайтирилганда) бухгалтерия ҳисоби мақсадида устав капиталининг фақат оширилган (камайтирилган) қисми таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилган санадаги Марказий банк курси бўйича миллий валютага қайта ҳисобланади.

33. Устав капиталини қўшимча оширилганлиги (камайтирилганлиги) ни шакллантиришда вужудга келадиган курс фарқларининг бухгалтерия ҳисоби ушбу Низомнинг 30 ва 31-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Агар чет эл валютасида акс эттирилган устав капиталининг оширилиши мунсабати билан улушлар киритиш қонунчиликка мувофиқ таъсис ҳужжатларига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишга қадар амалга оширилган бўлса, бухгалтерия ҳисобида ушбу хўжалик операцияси таъсичиларга қарзларни ҳисобга олувчи счё-

лар (6600)нинг кредитида активларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғлиқликда акс эттирилади.

35. Суғурта ташкилотларида Устав капиталининг валюта эквиваленти қисмидаги валюта маблағларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган ижобий курс фарқлари резерв капитали таркибидаги «Девальвация учун резерв» счётига олиб борилади. Устав капиталининг валюта эквиваленти қисмидаги валюта маблағларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган салбий курс фарқлари резерв капитали таркибидаги «Девальвация учун резерв» счётига олдинги ижобий курс фарқлари суммаси чегарасида камайтиришга олиб борилади. Салбий курс фарқи суммасининг ижобий курс фарқи суммасидан ошган қисми молиявий фаолият бўйича харажатларга олиб борилади.

§ 5. Молиявий ва статистик ҳисоботларда чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш

36. Жамғариш усулида 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар», 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар», 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар», 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётларида ҳисобга олинган курс фарқлари «Бухгалтерия баланси» (1-сонли шакл) нинг актив ва пассивининг тегишли қаторларида ва бошқа ҳисоботларнинг тегишли моддаларида акс эттирилади.

37. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига олиб борилган курс фарқлари молиявий ҳисоботнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сонли шакл), статистик ҳисоботнинг «Корхонанинг харажатлари тўғрисидаги ҳисобот» (5-с-сонли шакл) ва бошқа ҳисоботларнинг тегишли моддаларида акс эттирилади.

38. Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали шаклланишида вужудга келган курс фарқлари бухгалтерия баланси (1-сонли шакл) нинг пассивида «Қўшилган капитал» моддасида, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» (5-сонли шакл) нинг «Қўшилган капитал» устунида ва бошқа ҳисоботларнинг тегишли моддаларида акс эттирилади.

Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида низомга
ИЛОВА

Курс фарқларини ўртача миқдор бўйича ҳисобдан чиқаришга шартли мисол

Баланснинг валюта моддасининг номи	АҚШ долларининг суммаси	Миллий валютадаги суммаси (сўмда)			Баланснинг валюта моддаларини ҳар ойи қайта баҳолаш натижасида жамланган курс фарқлари (сўмда)	
		МБ курси 1\$=900 сўм	МБ курси 1\$=950 сўм	МБ курси 1\$=1000 сўм	Ижобий 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётининг кредити бўйича	Салбий 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётининг дебити бўйича
Валюта маблағлари	100 \$	90 000	95 000	100 000	5 000 (95 000 – 90 000) 5 000 (100 000 – 95 000)	
Дебиторлик қарзлари	300 \$	270 000	285 000	300 000	15 000 (285 000 – 270 000) 15 000 (300 000 – 285 000)	
Кредиторлик қарзлари	500 \$	450 000	475 000	500 000		25 000 (475 000 – 450 000) 25 000 (500 000 – 475 000)
ЖАМИ	900 \$				40 000	50 000

Бир бирлик чет эл валютасига тўғри келадиган ўртача курс фарқи ҳажмини ҳисоблаш:

$$(40\ 000\ \text{сўм} + 50\ 000\ \text{сўм}) / 900\ \$ = 90\ 000\ \text{сўм} / 900\ \$ = 100\ \text{сўм}$$

Масалан:

200 АҚШ доллари миқдорида кредиторлик қарзи тўланди, молия-хўжалик фаолияти натижасига ҳисобдан чиқариладиган салбий курс фарқи суммаси **20 000 сўм (200 \$ x 100 сўм)** га тенг.

дебиторлардан 150 АҚШ доллари миқдорида валюта маблағи келиб тушди, молия-хўжалик фаолияти натижасига ҳисобдан чиқариладиган ижобий курс фарқи суммаси **15 000 сўм (150\$ x 100 сўм)** га тенг.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 11 сентябрдан 17 сентябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрида вақтинчалик қайддан ўтказишни тартибга солиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2004 йил 10 сентябрдаги 240-сон буйруғи. (ХФУ)*

2004 йил 13 сентябрда 1406-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 23 сентябрдан кучга киради).

2. «Сайёҳларга хизмат кўрсатилгани учун туристик фирма ва меҳмонхона хўжаликларидан ундириладиган туристик йиғимлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг 2004 йил 29 августдаги 106 ва 19-сон қарори.*

2004 йил 13 сентябрда 1407-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 23 сентябрдан кучга киради).

3. «1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукамал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2004 йил 20 августдаги 97, 258-В, 2004-53 ва 01-931-сон қарори.*

2004 йил 14 сентябрда 1408-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 сентябрдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш ҳамда тарқатиш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 25 августдаги 286-сон буйруғи.*

2004 йил 15 сентябрда 1409-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 25 сентябрдан кучга киради).

5. «Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 3 сентябрдаги 01/18-48-сон қарори. (янги таҳрирда)*

2004 йил 16 сентябрда 1410-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 сентябрдан кучга киради).

6. «Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга

ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 августдаги 18/3-сон қарори.*

2004 йил 16 сентябрда 630-7-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 сентябрдан кучга киради).

7. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 августдаги 18/4-сон қарори.*

2004 йил 16 сентябрда 571-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 сентябрдан кучга киради).

8. «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 98, 41, 2004-57, 257-В ва 8-сонли қарори (янги таҳрирда).*

2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 сентябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Давлат акциялар пакети (пайлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидалари (2001 йил 25 май, рўйхат рақами 1034, 2002 йил 26 апрель, рўйхат рақами 1034-1, 2003 йил 20 май, рўйхат рақами 1034-2). *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2004 йил 16 сентябрдаги 195-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (2001 йил 16 ноябрь, рўйхат рақами 1085, 2002 йил 5 март, рўйхат рақами 1085-1, 2003 йил 7 июнь, рўйхат рақами 1085-2). *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2004 йил 17 сентябрдаги 198-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар аниқланди:

1. *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкининг (22-6971, 17-29/1158-сон) 2004 йил 12 августдаги буйруғи.*

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

